

Коронавирусга қарши эҳтиёт чоралари кучайтирилади



10:06 / 10.01.2022 1619

Маълум бўлишича, мамлакатимизга келган хорижий давлат фуқаросидан COVID-19нинг янги Omicron штамми жорий йилнинг 7 январь куни аниқланган.

Республика махсус комиссиясининг қарори билан жамоат жойларида ниқоб тақиш, ижтимоий масофани сақлаш, шахсий гигиена қоидаларига қатъий риоя этиш устидан назорат кучайтирилмоқда.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Дин ишлари бўйича қўмитанинг фуқароларимизни Умра зиёратларидан қайтишларида коронавирусга ПЗР ёки экспресс тестни Саудия Арабистони ҳудудида ўзбек тиббиёт ходимлари томонидан олиниши ва манфий натижасига мувофиқ кириб келишини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилди.

Қуйидаги қоидалар яна назоратга олинади:

– Аҳолини тўлиқ эмлаш ва бустер доза билан эмлаш ишлари жадаллаштирилади;

- Жамоат жойларида ниқоб тақиш, гигиена қоидаларига амал қилиш устидан назорат кучаяди;
- Ташкилий шаклидан қатъи назар, барча ташкилотларда ишчиларни эмлангандан сўнг иш жойларига киритишга рухсат берилади;
- Таътил пайти талабаларни коронавирусга тўлиқ эмлаш чоралари кўрилади;
- Республикада турли тадбирлар ўтказилиши тақиқланади.